

*Маҳмуд Ҳасаний*

ТАЪРИХЛАРДА  
НАВОИЙ ВАСФИ

Тошкент

Гафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси  
1991

83.3Ў3  
X 31

Масъул муҳаррир — ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВ, фил. фанлари доктори,  
профессор, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти  
нишондори

Муҳаррир — ЖОНИБЕК СУВОНҚУЛОВ

Ҳасаний Маҳмуд.

Таърихларда Навоий васфи // Масъул муҳаррир И. Абдуллаев). — Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. — 32 б.

Мазкур рисола буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйига бағишланган бўлиб, унда абжад ҳисобига асосланган манбаларда ўтмиш олимлари Навоийга берган таъриф-тавсифлар, Навоийнинг таваллуди ва вафоти, Навоий қурган мадраса, масжид ҳамда бошқа иншоотлар ва воқеалар таърихларда қандай акс этганлиги баён қилинади. Навоийга бағишлаб Қобулда ўтказилган илмий анжуман хулосалари, Навоийнинг ўзи ёзган таърихлар ҳам рисоладан ўрин олган.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

«Туркистон» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг буюртмаси билан chop этилди. Шартнома баҳосида харид қилинган қоғозга босилди. Китобнинг нархи ҳам шу асосда белгиланди.

Хасани, Махмуд. Свидетельствуют строки о Навои.

ББК 83.3Ў31

X  $\frac{4702620201-142}{M352(04)-91}$  қатъий буюртма—91

© „Туркистон“ ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1991 й.

ISBN 5-635-01124-1

## БҮЮК ДАҲО ТҶИИ

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг тўйини нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам кенг нишонламоқда. Жумҳуриятимизда 1991 йил Навоий йили деб эълон қилинди. Илмгоҳ ва олийгоҳларда, ташкилот ва муассасаларда, қишлоқ жамоалари ва давлат хўжаликлариданавоийхонликлар авж олиб кетди. Тошкентда Навоийга қўйилган ёдгорликнинг очилиши катта тантананага айланди. Навоийга бағишланган илмий анжуманлар бўлиб турибди.

Навоийнинг тўла асарларини нашр этиш ҳам ана шу тадбирлардан биридир. Бундан ташқари, олимларимиз буюк даҳонинг ижоди ва фаолиятига бағишлаб мақолалар ва рисоалар нашр эттирмоқдалар. Унинг ижоди ва фаолиятига доир янги-янги маълумотлар топилмоқда ва улар турли илмий анжуманларда кенг жамоатчиликка тарғиб этилмоқда.

Маълумки, Навоий яшаган ва ижод этган Ҳирот шаҳари ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган. Демак, Алишер Навоий афғон халқи учун ҳам қадрли сиймо бўлиб, буюк бобомизнинг тўйи афғон халқининг ҳам тўйидир. Сўзимизнинг далили сифатида шу йил 9—10 февралда Қобулда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуман — симпозиумни кўрсатиш мумкин. ЎзФА Шарқшунослик илмгоҳининг директори, тарих фанлари доктори А. Уринбоев, ЎзФА Адабиёт илмгоҳининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор А. Абдуғафуров, Тожикистон ФА Шарқшунослик илмгоҳининг бўлим бошлиқлари — филология фанлари доктори, профессор А. Афсаҳзод ва филология фанлари номзоди А. Алимардонов ўртоқлар бу симпозиумда иштирок этдилар.

## КОБУЛ СИМПОЗИУМИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ<sup>1</sup>

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, йирик давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги қардош Афғонистон Жумҳуриятида ҳам кенг нишонланмоқда. Табаррук сана муносабати билан Кобулда ўтган халқаро симпозиум ишида унинг бош ташкилотчиси бўлмиш Афғонистон Жумҳурияти Фанлар академиясининг тақлифига биноан ушбу сатрлар муаллифлари, шунингдек, Тожикистон Фанлар академиясидан Шарқшунослик илмгоҳининг бўлим бошлиқлари филология фанлари доктори, профессор А. Афсаҳзод ва филология фанлари номзоди А. Алимардонов ўртоқлар иштирок этдилар.

Симпозиум ўз ишини Қуръони Карим оятларидан қироат билан бошлади. Сўнг Афғонистон Жумҳуриятининг раиси Нажибуллонинг симпозиум номига махсус йўллаган табрик мактуби, шунингдек, жумҳурият садр аъзами Фазлулҳақ Холиқёрнинг табрикномаси ўқиб эшиттирилди. Симпозиумнинг биринчи мажлисида Афғонистон Жумҳурияти Фанлар академиясининг раиси, фалсафа фанлари доктори Абдулкабир Ранжбар улуғ Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро илмий симпозиумнинг бош мақсади ва иш тартиби тўғрисида баёниясини эълон қилди. Ундан кейин Таълим ва тарбия вазирлиги, Иттилоот ва маданият вазирлиги, Кобул дорулфунуни, Афғонистон ёзувчилар уюшмаси, Хушқол маданий анжумани, Алишер Навоий номидаги маданий анжуман, Ҳирот бостон маданий анжумани ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари симпозиум иштирокчиларига қарата табрик сўзлари билан чиқдилар, илмий йўғин ишига катта муваффақиятлар тиладилар. Халқаро симпозиумнинг тантанали расмий қисми тугагач, иккинчи мажлиси бошланди. Симпозиумда адабиётшунос, тилшунос, тарихчи олимлар, ёзувчилар, маданият ва санъат ходимлари томонидан Навоий ҳаёти ва ижодига оид йигирмага яқин илмий маърузалар ўқилди.

Афғонистонлик таниқли олимлардан Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Муҳаммад Олим Лабиб, Ризвонқул Таманно, Муътамад Шинворий, Шафиқа Ерқин, Абдулқодир Муштарий, Муҳаммад Обид Ҳайдарий ва Бахтоний улуғ шоир қолдирган улкан адабий-илмий мероснинг умумбашарий аҳамияти, Навоийнинг йирик давлат арбоби сифатидаги амалий фаолияти хусусида ўз тадқиқотларининг хулосаларини баён қилдилар. Афғон олимларининг мазмундор маърузаларида «Хамса»нинг ғоявий-бадний қиммати, «Сабъайи сайёр» дostonининг Низомий қаламига мансуб «Ҳафт пайкар» дostonи билан қиёсий таҳлили, чуқур фалса-

<sup>1</sup> Бу ҳисоботни А. Уринбоев ва А. Абдуғафуров бизга лутфан тақдим этдилар. У фойдадан холи бўлмагани ва ҳеч ерда эълон қилинмагани учун рисолага киритишни лозим топдик. У сўнгги юлдузчагача давом этади.

фий мазмунни бадий воситаларда ёритувчи «Лисон ут-тайр» достони, улуғ шоирнинг шеърятдаги юксак маҳорати мавзулари кўтарилди. Афғонистон Жумҳурияти Миллий архиви — «Аршиви миллий»да Навоий асарларининг сақланаётган қўлёзма нусхалари хусусида махсус маъруза тингланди. Маърузачи олимлар шоир асарларида етакчи ўрин тутган халқпарварлик, инсонийлик ғоялари, юксак одоб, ахлоқ, таълим-тарбияга оид панд ўғитлари бугунги кунда ҳам фаол хизмат этаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Бир қанча маърузаларда temuрийлар давридаги Хуросон ва хусусан Ҳирот, ундаги иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт, Навоийнинг мамлакат ҳаётида ўйнаган роли, бунёдкорлик фаолияти, шунингдек, Навоий ва Жомийнинг ўзаро дўстлиги ва ижодий ҳамкорлиги масалалари кенг ёритилди.

Халқаро симпозиумда тожикистонлик олимлар «Навоий ва форс адабиёти» /проф. А. Афсаҳзод/ ва «Амир Алишер Навоий асарларининг Тожикистон Фанлар академияси ганжинасида сақланаётган қўлёзма нусхалари» мавзуида қизиқарли маърузалар билан чиқдилар. Ушбу сатрлар муаллифлари эса Кобулдаги илмий йиғинга «Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Алишер Навоийга мактублари» ҳамда кейинги йиллардаги «Ўзбек навоийшунослигининг ютуқлари» мавзуларида тайёрланган маърузалар билан бордилар.

Айтиш керакки, Алишер Навоийга бағишланган халқаро симпозиум кенг афғон жамоатчилигида зўр қизиқиш уйғотди. «Ориёна» меҳмонхонасининг катта мажлислар залида ўтказилган илмий йиғинда илм ва маданият арбоблари, маҳаллий зиёлилар, олий ўқув юр்தларининг мударрис ва талабалари, журналистлар фаол иштирок этдилар. Симпозиум афғон матбуотида, радио ва телевидениесида мунтазам ёритилди.

Халқаро симпозиум охирида Афғонистон жумҳурияти Фанлар академиясининг раиси доктор Абдулкабир Ранжбар яқунловчи нутқ сўзлаб, илмий анжуманнинг юқори илмий савияда ўтганлигидан мамнунлигини билдирди, унинг барча қатнашчиларига ташаккур изҳор этиб, Жумҳурият Фанлар академиясининг махсус дипломларини топширди. Халқаро симпозиумда ўқилган ва унга махсус тайёрланган маърузаларни нашр этишга қарор қилинди.

Шуни ҳам айтиш керакки, улуғ ўзбек шоири таваллуди тўйига Афғонистон давлат ва жамоат ташкилотлари катта эътибор билан тайёргарлик кўришган. Жумладан, Кобулда Алишер Навоий номида илмий-маданий анжуман («Фарҳанги Алишер Навоий») ташкил этилиб, унинг дастури ва кўп йиллик режалари тасдиқланган. Анжуман ўз олдига умуман барча туркий тилларда, хусусан ўзбек ва туркман тилларида ёзилган ёзма ёдгорликларни тўплаш, тартибга солиш ва илмий асосда ўрганиш, туркийзабон халқларнинг оғзаки ижоди намуналарини йиғиш ва

урф-одатларини асраш, қадимий санъатини ва ҳунармандчилигини тиклаш ва ривожлантириш каби эзгу ишларни мақсад қилиб қўйган.

Кейинги вақтларда қардош юртда амалга оширилган яна бир хайрли иш алоҳида диққат ва таҳсинга сазовордир. Афғонистон Жумҳурияти Фанлар академияси қошида таниқли олим Муҳаммад Яқуб Воҳидий Жузжоний раҳбарлигида «Ўзбек ва туркман тиллари ва адабиётлари» илмий-текшириш институти ташкил этилди. Уз амалий изланишларини бошлаб юборган бу илмий марказнинг энг йирик режаларидан бири Иттифоқимиздаги илмий-текшириш илмгоҳлари билан ҳамкорликда халқларимизнинг кўп асрлик адабий меросларини ўрганиш ва тарғиб этишдан иборат.

Симпозиум ўтаётган кунларда Қобулдаги «Аршив миллий» қадимий қўлёзмалар ва ҳужжатлар хазинасида Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари кўрғазмаси ташкил этилиб, у ерда улуг адибнинг бир қанча асарларининг XVI асрдан то XX асргача ўтган давр ичида кўчирилган нусхалари намойиш қилинди.

Биз Қобулда улуг Навоий тантаналарига бағишлаб махсус нашр этилган кўпгина китоблар билан ҳам танишиб чиқдик. Аввало, афғон олимларининг Навоий «Хамса»сини машҳур Шомурод котиб томонидан тайёрланган Тошкент нашри /1901 йил/ асосида чиройли безатилган муқовада қайта нашр қилганликларини мамнуният билан қайд этайлик. Билимдон афғон олими Абдулғаффор Баёнийнинг саъй тараддуди билан Фанлар академияси томонидан нашр этилган бу китоб Алишер Навоий таваллуди тантаналарига муносиб совғалардан биридир. Еш афғон олимлари Муҳаммад Ҳалим Ерқин ва Шафиқа Ерқинлар «Сиймойи Амир Алишер Навоий» номли тадқиқот яратганлар. «Фарҳанги Алишер Навоий» томонидан нашр этилган бу илмий асарда улуг шоир ҳаёти ва ижтимоий фаолияти маълум тартибда баён этилади, қолдирган улкан адабий, илмий, фалсафий-тарихий асарлари ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Булардан ташқари, Муҳаммад Ҳалим Ерқин, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Ойхон Баёнийларнинг ҳам муқоваси Алишер Навоий сиймоси билан безатилган китоблари нашр этилган. Афғонистон Жумҳуриятида пушту, дарий, ўзбек ва бошқа тилларда нашр этилувчи рўзнома ва мажаллалар саҳифаларида ҳам улуг ўзбек шоири ҳаёти ва ижодини ёритувчи кўплаб мақолаларнинг, шунингдек, унга бағишланган шеърӣ асарларнинг кўплаб эълон қилинганлиги ҳам бизни беҳад хурсанд этди.

Қобулдалигимизда Афғонистон Жумҳурияти Фанлар академияси раиси Абдулкабир Ранжбар таклифига биноан унинг қабулида бўлдик.

Ўзбекистонда чоп этилган навоийшуносликка алоқадор ки-

тоблардан, миниатюра альбомларидан ҳада қилдик. Ранжбар суҳбатда Ўзбекистон Фанлар академияси билан илмий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳақида Ўзбекистон ФА президентига хат ёзганлигини айтди. Суҳбат самимий, ишчанлик вазиятида ўтди. Биз 1982 йил Моил Ҳаравий орқали тузилган шартноманинг ба-жарилмай қолган моддаларини эсга солдик, раис суриштириб билишни ваъда қилди.

Кобулдаги қўлёзма китоблар хазинаси «Архив миллий»да ташкил қилинган Навоий асарлари қўлёзмалари кўргазмасини бориб кўрдик. Қўлёзма китоблар анчагина бор, лекин XVI асрда кўчирилгани бир (дона), қолганлари XVII—XIX асарларга оид экан. Уларни бизнинг хазинадаги нодир қўлёзмаларга таққослаб бўлмайди.

Кобулдаги Носири Хисрав китобхонасига ҳам бордик, у ерда 20.000 ададни ташкил этувчи исмоилия мазҳабига оид босма китоблар сақланар экан. Китоблар ўта сараланган, чиройли.

Сўнгра биз Кобулдаги Бобур боғини бориб кўрдик. Мақбара, масжид, катта боғ — ҳаммаси баланд девор билан ўралган, ҳовузлар бор, кейинги вақтда қурилган айвонли бир сарой ҳам мавжуд. Халилulloҳ Халилий томонидан ёзилган «Оромгоҳи Бобур» номли рисола олиб келдик. Ўзбек тилига таржима қилиб нашр этиш мумкин.

Сафар чоғида ўзбек, туркман адабиёти, маданияти, ҳунармандчилик обидаларини ўрганиб ривожлантириш вазифаларини бажариши кўзда тутилган «Фарҳанги Алишер Навоий» жамоатчилик ташкилотига ҳам суҳбатда бўлдик. Ташкилотни гилам-фурушлик ширкати бошлиғи Зиёвуддин Зиё моддий маблағ билан таъминлаётган экан. Биздан Тошкентда нашр қилинаётган мажалла ва рўзномалардан юборишни сўрашди.

Биз Кобулдаги кунларимизда Президент Нажибуллонинг маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси доктор Пайгир, Жумҳурийат Фанлар академияси раиси Абдулкабир Ранжбар, шоир, жамоат арбоби Сулаймон Лоғиқ, шоир, олим, жамоат арбоби Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, «Фарҳанги Алишер Навоий» раиси доктор Абдусалом Осим, ўзбек, туркман тил ва адабиёти илмгоҳи раиси Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний, нашриётчи Баёний, радио ходими Мир Маҳмуд Илёсий, журналист Фирузшоҳ (кузатувчи), Навоий симпозиумининг спонсорлари гиламчи савдогарлар Наим Тоғжир, Муҳаммад Иваз Бодғисий, Зиёвуддин Зиё ва бошқалар билан суҳбатда бўлдик.

\* \* \*

Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоий ижодини марваридларга тўла уммон ёки тугамайдиган хазинага қиёс қилиш мумкин. Навоийшунос олимларимиз бу уммонга тинимсиз шўнғисалар ҳам

янги-янги марваридлар топаверадилар. Бу ижод ҳақида қанчадан-қанча номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқлангани ва қанчадан-қанча илмий ишлар эълон қилинганига қарамай, олимлар Навоийни чин ўрганиш эндигина бошланаётир, демоқ-далар.

Дарҳақиқат, ҳали тўлиқ ўрганилмаган тарих, тазкира ва баъзи асарлар мавжудки, уларда Алишер Навоий ҳаётини, ижодини, фазилатларини янада кенг ёритишга хизмат қиладиган қимматли маълумотлар мавжуд. Мазкур рисола муаллифлари томонидан ёзилган «Навоий замондошлари хатларида» китобчаси ҳам ана шу соҳада қўйилган қадамлардан бири бўлиб, Навоий билан ёзишиб турган ва ундан моддий ва маънавий кўмак олиб турган кишилар ҳақида эди<sup>1</sup>. Бу хатларнинг мазмунни билан ўқувчилар биринчи марта атрофлича таништирилди. Аммо уларни тўлиқ таржима қилиш келажак иши бўлиб, бундай таржима Навоий ижодини ва унинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятини ёритишда яна ҳам қўл келиши турган гапдир.

Қўлингизда турган навбатдаги рисолага эса Навоийга айтилган ва унинг ҳаёти ва ижодига дахлдор бўлган таърихлар асос қилиб олинди. Чунки абжад ҳисобига асосланган тарихлар бирон-бир мамлакат ёки шахснинг тарихи, ижодий фаолияти, мамлакатда тутган ўрни ҳақида қимматли маълумотлар бериши шубҳасиздир. Навоий ҳаёти билан боғлиқ бўлган таърихларнинг айримлари илмий жамоатчиликка маълум бўлса-да, бироқ улар ҳозиргача илмий асосда батафсил таҳлил этилмаган ва энг асосийси, бир ерга жамланмаган.

Бироқ биз тарихлар ҳақида гапирар эканмиз, аввало таърих нима, абжад ҳисоби қанақа эканлигини билиб олмасак, тарихларни тушунишимиз қийин бўлади.

## ТАЪРИХ — ВОҚЕАЛАР ОИНАСИ

Биз тарих сўзига кундалик ҳаётимизда тез-тез мурожаат қилиб тураемиз. Мактабларда ва олий ўқув юртларида тарих дарслари ўтилади. Утмишда ёзилган ва тарих деган ном билан аталадиган кўплаб асарлар бизгача етиб келган. Аслида бу сўзни таърих деб айириш белгиси орқали ёзиш керак бўлса-да, бироқ ўзбек имлосида айириш белгисиз ёзишга одатланилган. Биз айириш белгиси орқали ёзаётган таърих ҳам аслида юқоридagi тарихнинг ўзи бўлиб, бироқ тарихий асарлар воқеаларни наср ва баъзан назм орқали тўлиқ ва мукамал баён қилса, таърих

<sup>1</sup> Қ а р а н г: А. Уринбоев, М. Ҳасанов. Навоий замондошлари хатларида. Тошкент. «Фан»—1990.



айрим воқеа ва ҳодисаларнинг юз бериши ҳамда санасини қисқача назм ёки бир-икки оғиз наср орқали абжад ҳисоби бўйича таърифлайди. Бу икки сўз аслида бир бўлишига қарамай, сўнги пайтдаги олимлар уларнинг орасидаги фарқни ифодалаш учун биринчисини айириш белгисиз, иккинчисини эса айириш белгиси орқали ёзишни маъқул кўрмоқдалар.

Демак, таърих бу — воқеа ва ҳодисаларнинг юз берган вақти ва йилини абжад ҳисоби бўйича қисқача билдириш экан. Энди абжаднинг ўзи нима эканини кўриб чиқамиз.

Шарқ оламида қадим-қадимдан ишлатилиб келинаётган саккизта сўз борки, бу сўзлардаги ҳар бир ҳарф сон қийматига эга. Аввало шу сўзлар билан танишайлик. Улар қуйидагилар:

|              |         |              |       |
|--------------|---------|--------------|-------|
| 1. Абжад —   | ا ب ج د | 5. Саъфас —  | س ع ف |
| 2. Ҳавваз —  | ه و ز   | 6. Қарашат — | ق ر ش |
| 3. Ҳуттий —  | ح ط ي   | 7. Саххаз —  | خ ذ   |
| 4. Каламан — | ك ل م ن | 8. Зазағ —   | ظ غ   |

Бу сўзлардаги ҳарфларнинг сон қийматлари қуйидагича:

|    |              |    |                 |
|----|--------------|----|-----------------|
| 1. | ا — алиф — 1 | 5. | س — син — 60    |
|    | ب — бе — 2   |    | ع — айн — 70    |
|    | ج — жим — 3  |    | ف — фе — 80     |
|    | د — дол — 4  |    | ص — сод — 90    |
| 2. | ه — ҳе — 5   | 6. | ق — қоф — 100   |
|    | و — вов — 6  |    | ر — ре — 200    |
|    | ز — зе — 7   |    | ش — шин — 300   |
|    |              |    | ت — те — 400    |
| 3. | ح — ҳе — 8   | 7. | ث — се — 500    |
|    | ط — то — 9   |    | خ — хе — 600    |
|    | ي — ё — 10   |    | ذ — зол — 700   |
| 4. | ك — коф — 20 | 8. | ض — зод — 800   |
|    | ل — лом — 30 |    | ظ — зо — 900    |
|    | م — мим — 40 |    | غ — ғайн — 1000 |
|    | ن — нун — 50 |    |                 |

Юқорида айtilган 8 та сўзнинг маъносига келсак, «Ғиёс ул-луғот»да қуйидагича келтирилади:

«Бу сўзларнинг маъносини «Мадор ул-афозил» луғатининг муаллифи қуйидагича ёзади:

Абжад — ай аби вужида фи-л-маъсияти, яъни менинг отам Одам алайҳиссалом гуноҳ устида топилди, яъни ундан гуноҳ содир бўлди.

Ҳавваз — ай иттабаъа ҳавоҳу, яъни ўз нафсига тобе бўлди.

Ҳутти — ай ҳутта занбуҳу би-т-тавбати ва-л-истигфори, яъни унинг гуноҳи тавба ҳамда истигфор айтиш билан камайди.

Қаламан — ай такаллама би-калиматин фа-тоба алайҳи бил-қабули ва-р-раҳмати, яъни у сўзлади (тавба) сўзи билан, сўнг тавбаси қабул бўлди.

Саъфас — ай зоқа алайҳ-ид-дунё, фа-уфиза алайҳи, яъни дунё унга тор бўлди, сўнг (раҳм) сочилди унга.

Қарашат — ай ақарра би-занбиҳи, фа-шаруфа би-л-каромати, яъни ўз гуноҳига иқрор бўлди, сўнг лутфу марҳаматга ноил бўлди.

Саххаз — ай ахаза миналлоҳи қувватан, яъни Ҳақ таолодан қувват олди.

Зазағ — ай судда анҳу назғ уш-шайтон би-л-азимати, яъни дуо билан шайтон назғи<sup>1</sup> ундан қайтди, яъни ҳақ ва тавҳид сўзлари билан.

Баъзиларнинг ёзишича, абожад бир подшоҳнинг номи бўлиб, аждад бу номнинг қисқартмасидир. Қолган етти сўз эса етти фарзанднинг номларидир. Чунончи, «Суроҳ» ва бошқа луғатлар шу фикрни ёзадилар.

Баъзилар эса ёзишни ўйлаб топган Маромир деган киши бўлиб, бу саккиз сўз саккизта ўғлининг номларидир, дейишади.

«Завобити азим» рисоласида бу саккизта сўзнинг маъноси қуйидагича ёзилади:

Абжад — оғоз кард — бошлади.

Ҳавваз — дарпайваст — етишди.

Ҳутти — воқиф шуд — хабардор бўлди.

Қаламан — сўханғу шуд — гапирувчи бўлди.

Саъфас — аз ў омухт — ундан ўрганди.

Қарашат — тартиб кард — тартибга солди.

Саххаз — нигоҳдошт — сақлади.

Зазағ — тамом кард — тугатди.»

«Ғиёс ул-луғот»да ана шундай ҳикоя қилинади. Кўриниб турибдики, олимлар бу сўзлар ҳақида аниқ фикрда эмаслар. Ҳар қандай бўлганда ҳам, Абжад жуда катта ва моҳир олим томонидан ихтиро қилинган бўлиб, унинг фан ва маданият учун жуда катта аҳамияти бўлган ва Шарқда ўзига мустаҳкам жой барпо қилган.

<sup>1</sup> Назғ — шайтон васвасаси, йўлдан уриши.

## ТАВАЛЛУДГА ОИД ТАЪРИХЛАР

Тарихда баъзан шундай ҳодисалар ҳам бўладики, айрим шахслар ҳақидаги, уларнинг таржимаи ҳолларига оид маълумотлар сақланмаган, йўқолган ёки машҳур китоб ёзган бўлса-да, бу китобнинг қачон ва қаерда ёзилгани номаълум бўлиб қолган ҳоллар юз беради. Ана шундай ҳолда битта кичкинагина таърих бутун бир қийин муаммога равшанлик бағишлайди.

Масалан, Мавлоно Юсуфий табиб Ҳиндистонда Бобур ва унинг ўғли Ҳумоюн қошида яшаб, кўпгина асарлар ёзган. Навоийнинг тарбиясини топиб, унинг қўл остида жуда кўп асарлар бунёд қилган машҳур тарихчи Хондамир ҳам Бобур ва Ҳумоюн ҳузурда яшаган. Биз Юсуфий ва Хондамирнинг ўзаро учрашгани, бир-бирига муносабати ҳақида тарихий асарлардан ҳеч қандай маълумот тополмаган эдик. Тасодифан қўлимизга Хондамирнинг «Қонуни Ҳумоюнӣ» («Ҳумоюн қонунлари») деган китоби тушиб қолди. Унда қуйидаги маълумотни ўқиб қолдик: «Сўз устаси Мавлоно Юсуфий табиб бу борада *Яъни Бобурнинг вафоти ва Ҳумоюннинг тахтга ўтириши ҳақида. Муал.* қуйидаги ажойиб рубойни иншо қилганлар:

Бобур шуд додкешу додпараст,  
Он шаҳ Ҳумоюн, ки дари зулм бабаст.  
Дар нўҳсаду си-ю ҳафт ногаҳ зи қазо,  
Он шуд эн жаҳону ин ба жояш биншаст.

Яъни:

Бобур адолат ва ҳақиқатпараст эди,  
Ҳумоюн эса зулм эшиқларини бекитди.  
Тақдир туфайли тўққиз юзу ўттиз еттида,  
Униси (яъни Бобур) жаҳондан кетди-ю,  
буниси, (яъни Ҳумоюн) унинг  
жойига ўтирди<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, Юсуфий битта таърихи туфайли Хондамирнинг оғзига тушган. Хондамир эса Юсуфийга юқори баҳо бериб, Бобур вафоти ва Ҳумоюннинг тахтга ўтириши ҳақида жуда кўп таърихлар ёзилса-да, айнан Юсуфий таърихини танлаб олган. Яхини ва равон ёзилган таърихлар эса яхши сақланиб қолади ва бирор шахс ёки воқеа ҳақидаги санани асарлардан қидириб ўтиришга эҳтиёж туғилмайди.

Алишер Навоийнинг вафоти ҳамда бошқа ишларига бағишланган таърихлар анчагина бўлса-да, бироқ таваллудига оид таъ-

<sup>1</sup> Фиёсуддин Муҳаммад Хондамир. Қонуни Ҳумоюнӣ. Қалыкутта, 1940, 30-бет.

рихларни биз ҳозирча манбаларда учратмадик. Аммо «Истихрож» китобида Фасихуддиннинг таркиббанд шеъри келтирилган бўлиб, каттагина ҳажмдаги бу шеърнинг бошидан охиригача биринчи мисраси Навоийнинг таваллуд йилини, иккинчи мисраси вафот йилини англатади. «Истихрож»да Фасихуддин сўзи ёнига қавсда Соҳиб сўзи ёзилган. Демак у Фасихуддин Соҳибдоро бўлиб, бу зот Навоийнинг яқин дўстлари ва суҳбатдошларидан бири эди<sup>1</sup>.

Бу таркиббанд Навоийнинг таваллудини билдирадиган ҳозирча ягона таърих бўлгани ва у ҳақда матбуотда ҳеч қандай ахборот берилмагани ва ҳозиргача ўзбек тилига таржима қилинмаганини ҳисобга олган ҳолда бу ерда уни тўлиқ келтириш ва мазмуни билан китобхонларни таништиришни лозим деб билдик.

Таркиббанд сарлавҳа сифатидаги мана бу байт билан бошланади:

Ин назм, ки хуштар омад аз оби ҳаёт,  
Таърихи валодат асту таърихи вафот.

Яъни:

Обиҳаётдан ҳам ёқимлироқ бўлган бу назм,  
Таваллуд таърихи ҳамда вафот таърихидир.

Бу байтнинг биринчи мисрасидан 844 (1441) ва иккинчи мисрасидан 906 (1501) йил чиқади.

Қуйидаги асосий қисм ҳам худди шу тартибда биринчи мисра таваллудни, иккинчи мисра вафот йилини англатади:

Эй фалак, бедоду бераҳми бадинсон кардан,  
Вей ажал, мулки жаҳонро боз вайрон кардан.  
Карда бар жонҳо камин, бинҳодан доми ано,  
Ҳар замон аз кийнажун қасди сад жон кардан.  
Бар жаҳонбоюн чи мегун ҳасад набвад маро,  
Аз ҳасад боре жаҳонро бежаҳонбон кардан.  
Кардан гоҳ аз жафо ҳайрон дили сад аҳли дин,  
Гаҳ зи кин қасди ҳалоки сад мусулмон кардан.  
Оламеро кардан аз хун пажмон дамбадам,  
Аҳли оламро ба кин маҳзуну пажмон кардан.  
Кай раҳо сози азизонро зи зиндони ҳузн,  
Аз жафокори, ки чун Юсуф ба зиндон кардан.  
Осмоно, бар дилу жонҳойи диндорон аз он,  
Жаври беҳадду жафоҳойи фаровон кардан.

<sup>1</sup> Муҳаммад Иброҳим. «Истихрожи таърих дар назм», Қобул, 1958, 78-бет.

К-аз дилу жонҳойи эшон ҳеч жо нояд берун,  
Ноумиди-ю бало, ранжу ано гардад фузув.

### Таржимаси:

Эй фалак, шунчалик адолатсизлик ва бераҳмлик қилдинг,  
Эй ажал, жаҳон мулкани яна вайрон қилдинг!  
Жонларга пистирма қўйиб, азоб тузоғини ҳозир қилдинг,  
Ҳар даҳза душманлик қилиб, юзлаб жонларга қасд қилдинг,  
Оламни тугиб турувчиларга ҳасадим йўқ, дер эдинг,  
Ваҳоланки, ҳасад билан оламни яна слам тутувчилардан жудо қилдинг.  
Юзлаб аҳли динни баъзан жафо билан дилини ҳайрон қилсанг,  
Баъзан гина билан юзлаб мусулмоннинг жонига қасд қилсан.  
Дам-бадам оламни ғам билан сўлдириб,  
Олам аҳлини эса кийна билан маҳзун ва паришон қилдинг.  
Қачон азиз кишиларни ғам зиндонидан озод қилсан?  
Жафокорлик билан Юсуф қаби уларни зиндонга ташладинг-ку!  
Эй осмон, диндор кишиларнинг жону дилига  
Ҳадду ҳисобсиз жафоларни фаровон қилдинг!  
Уларнинг жону дилидан, қаерда бўлмасялар,  
Ноумидлик, бало, ранжу кулфат кетиш ўрнига тобора кўпаяди.

### Шунингдек:

Дод, дод аз реви даҳри одамикўш дод, дод,  
К-ў бувад бо вай жавру қотили аҳли садод.  
Оҳу фарёд аз жафойи осмону сайри ў.  
К-аш бувад бо комилон кавн пайдарпай инод.  
Гаҳ ба қасди беадилли бесабаб новак кашид,  
Гаҳ ба рўйи бедилли абвоби бераҳми кушод.  
Инак он бедил манам к-аз даври даҳру кийни ў,  
Дамбадам гардад нашотам кам, вале андуҳ зиёд.  
Не ҳамин ман мондаам маҳзун, ки афъоли фалак,  
Ҳамчунон н-омад, ки кас ҳаргиз аз ў бинад мурод.  
Баҳмани онне шуд акнун аз замон к-аз сўги ў,  
Ҳеч касро ёд менояд зи Жамшиду Қубод.  
Қасди жонҳо чу намо ин дам жаҳон аз рўйи ужб,  
К-он суроъиён, дило, пой аз жаҳон берун ниҳод.  
Он, ки ўро жисми жон баҳри Набий буду Алай,  
Мояи дин зубдати иймон Алишери валий.

### Таржимаси:

Бу одамкўш дунёнинг ҳийлаларидан фарёдки,  
Унда доимо жабр бўлиб, ҳақиқатгўйларнинг эса қотилидир.  
Осмоннинг жафолари ва айлавишидан оҳ ила фарёдки,

У комил инсонлар билан доимо ўчакишда бўлади.  
 Гоҳи сабабсиз адолатсизлик билан ўқ отса,  
 Гоҳида бедил кишилар юзига бераҳмлиқ эшигини очади.  
 Ўша бедиллардан бири менманки, унинг айланиш ва кийнасидан  
 Ҳар лаҳза шодлигим кам, аммо ғамларим зиёда бўлади.  
 Нафақат мен ғамда қолганман, балки бу фалакнинг феъли шундай бўлиб,  
 Ҳеч ким ундан ҳеч қачон ўз муродини топган эмас.  
 Унинг одати шу бўлиб, унинг ғами туфайли замонда  
 Ҳеч кимнинг ёдига Жамшид ва Қубод ҳам келмайди.  
 Унинг жонларга қасдидан жаҳон ҳам ҳайронликда,  
 Шу сабабли, эй дил, шовувчилар жаҳондан оёқ уздилар.  
 Жисму жони Пайғамбар ва Али учун (фидо) бўлган зот,  
 Бу дин мояси ва иймон қаймоғи валий Алишер эди.

### Шунингдек:

Оҳ, к-он волийи мулки илм дар олам намонд,  
 В-он Али разми, Муҳаммад ком, Исодам намонд.  
 Бо нидойи «Иржиъи» по монд беруи зи-н жаҳон,  
 З-он ки рози олами боло бар ў мубҳам намонд.  
 Бо фироқи инчунин жон жуз адам чизе надид,  
 В-аз чунин ҳажре касеро дидҳо бе нам намонд.  
 З-одаму олам мажӯ, э дил, кунун қатъан мурод,  
 З-он ки оини тараб дар оламу одам намонд.  
 Аҳли давронро, ки набвад жуз балойи жон насиб,  
 Жон зи бедоди жаҳон дар ҳузни ин мотам намонд,  
 Аз жаҳон, эй жон, талаб кардан даво бошад маҳол,  
 Чун пайи озори жони комилон малҳам намонд.  
 Н-оядат бок, эй фалак, аз нолаи жангоҳи мо.  
 Карди, эй даврон, жаҳонеро сияҳ аз оҳи мо.

### Таржимаси:

Оҳ, илм мулкнинг раҳнамоси оламдан кетди,  
 У Алидек жангчи, Муҳаммад хоҳишли, Исо нафасли  
 (оламдан) кетди.  
 «Иржиъи» (қайт) нидосини эшитиб, оёғини бу оламдан тортди,  
 Чунки унга қуйи ва юқори оламларнинг сирини ошкор эди.  
 Бундай фироқ туфайли жон йўқликдан ўзга нарсани кўрмади,  
 Бундай айриликдан эса ҳеч кимнинг кўзи намланмай қолмади.  
 Эй кўнгли, бугун одамдан ҳам, оламдан ҳам асло мурод изламаки,  
 Бугун оламда ҳам, одамда ҳам шодлик асоси қолмади.  
 Даврон аҳли учун жонга етувчи балодан ўзга насиба йўқ эди,  
 (Бугун эса) жаҳоннинг адолатсизлиги сабабли бу  
 мотам ғамдан жоннинг ўзи ҳам қолмади.

Эй жон, жаҳондан даво талаб қилиш маҳолдир,  
Комил кишилар жонига етаётган азобга қарши малҳам қолмади.  
Эй фалак, жонимизнинг ноласидан сен учун ҳеч бир хавф йўқ,  
Эй даврон, оҳимиз (тутун) дан бу жаҳонни қора қилдинг!

### Шунингдек:

Ваҳ, ки дар олам намонд он соҳиби дини мубин,  
Қиблаи асҳоби илмөн, фотиҳи аввоби дин.  
Аҳли лутфу доду донишро зи сўги ў бувад,  
Дида пур обу жигар бирёну дил андуҳгин.  
Он ки шуд фоний зи бедоди жаҳон, зи реви ў,  
Ганжи боқий буд аз он шуд жойи ў зери замин.  
Сад ҳазор афсус аз он одийжаноби к-аз ниёз,  
Бар жаноби ў ҳаме суди фалак ҳар дам жабин,  
Чун нагардад дил зи жон навмед аҳли ҳузро,  
К-аз азойи у бувад дил мустамаду жон ҳазин.  
Пой гар берун ниҳод аз дунёи фонийи дун,  
Он амири бо навбу он солики роҳи яқин.  
Бод донм он шаҳи Дородиле к-омад зи ад..  
Молики мулки Сулаймон, довари рўйи замин.  
Он ки ёбад даҳр э-онини бисоташ зеб зайн,  
Ҳориси олампаҳоқи мулку дин Султон Ҳусайн.

### Таржимаси:

Оҳким, бу равшан диннинг соҳиби,  
Иймон соҳибларининг қибласи, дин эшикларининг  
очувчиси оламдан кетд.  
Энди лутфу адолат ва донолик аҳлининг кўзи— 22  
Унинг ғамидан тўла ёш, жигарлар куйган, дил эса андуҳлидир.  
У жаҳоннинг бедодлиги ва унинг алдоқчилигидан фоний бўлди.  
У ўлмас хазина эди, шу туфайли унинг жойи ер ости бўлди.  
Бу олийжаноб зот (вафоти)га юз минг афсуслар бўлсинки,  
Фалак ҳам унинг остонасига ҳар дам пешонасини суртар эди.  
Қандай қилиб ғам аҳлининг кўнгли жондан нқумид бўлмасин?!  
Унинг азаси туфайли кўнгил ғамли, жон эса маҳзундир!  
Уша наволи Амир ва ўша аниқ (Аллоҳ) йўлининг юрувчиси  
(Навой).

Бу ўткинчи, паст дунёдан оғини узган экан,  
Уша Доро кўнгилли шоҳ, Сулаймон мулкининг соҳиби,  
Ер юзининг одил ҳокими (Султон Ҳусайн) ўз  
адолати билан пойдор бўлсин.  
Сисотининг бойлигидан дунё зебу зийнат топган зот бу —  
Оламнинг сақловчиси, мамлакат ва диннинг паҳоқи  
Султон Ҳусайндир!

## Шунингдек:

Жон ба жонон дод агар он меҳр бо иқболу шоҳ,  
Бод доим ин шаҳи Жамшид шоҳи дин паноҳ.  
Гар намонд он моҳи авжи шоҳу набвад жон маро,  
3-ин алам бе нолаи шабгиру оҳи субҳигоҳ.  
Бар сипеҳри дину эҳсон бод боқий жовидон,  
Ин шаҳи Баҳром ҳижову в-ин маҳи анжум сипоҳ.  
Гар баногоҳ жониби дори абад бинҳод рӯй,  
Он амири довари дин, зубдан мардони роҳ.  
Бар фарози маснади толе пайи зеби жаҳон,  
Эй дил, ин Жамшид оинро ниғаҳбон бод, илоҳ.  
В-ар зи дунё по берун монд он муҳибби аҳли дил,  
Жовидон бодо ба олам шоҳиёи ин подшоҳ.  
Бод ин султони мулки адл модом ар намонд,  
Соҳибо, он умдан даврон амири динпаноҳ.  
Соли он к-омад ба иқлиму зи дунё шуд ба ком,  
Жўй, эй оқил, зи мисроъи ин зебо калом.

## Таржимаси:

Иқболу иззатли ўша қуёш жонини жононга берган бўлса-да,  
Бу диннинг паноҳи Жамшид иззатли шоҳ доим омон

бўлсин.

Иззат чўққисининг ойн бу оламдан кетгач,  
Нолаиёз ўртовчи алам ва тонгдаги оҳу ноладан  
менинг ҳам жоним қолмади.

Бу Баҳромдек жанговар ва бу юлдуз лашкарли ой,  
Дин ва эҳсон осмонида боқий барқарор бўлсин!  
Дин паноҳи бўлмиш бу Амир ва (Худо) йўлидаги  
мардларнинг сарас

Ногаҳон боқий уй сари юз тутган бўлса-да,  
Толе тахти узра жаҳонга зеб бўлиши учун,  
Эй кўнгил, бу подшоҳнинг шоҳлиги абадий бўлсин!  
Эй Соҳиб, даврон таянчи, динпаноҳ Амир,—  
Боқий қолмаган экан, бу адолат мулкининг  
султони (Хусайн) боқий бўлсин!

Бу иқлимга келиб, дунёдан ўз истагича кетган  
(зотнинг вафот) йилини,  
Эй оқил, бу зебо калом (яъни шеър)нинг ҳар бир  
мисрасидан қидир!

Хондамир «Хулосат-ул-ахбор» китобида таркиббанднинг ижод-  
кори Фасиҳуддин Соҳиб ҳақида ёзади: «Чиройли феъл, ёқимли  
хулқ, покиза табиат, ўткир зеҳн билан аълоҳазрат мулозимлари



ичида ажралиб турарди. Таъзия қасидаси ҳамда муаммо айтиш ва ечишда балоғат эгаси эди»<sup>1</sup>.

Мазкур шеърни ўқиган ҳар бир киши шоирнинг аввало маҳоратига тан бермай иложи йўқ Катта ҳажмдаги таркибанднинг ҳар бир мисрасига таваллуд ва вафот йилларини жойлаштириш, аини пайтда, унга мазмунни тўғри бериш учун катта маҳорат талаб қилинади.

Ҳа, бу шеър ўзининг меҳрибон дўстини йўқотган, фан аҳлининг мададкори, барча халойиқ ҳомийсининг оламини тарк этганига чидалмаган садоқатли рафиқнинг фарёди, ҳижрон азобининг дард тўла оҳу ноласи эди. Фасиҳуддин азиз дўсти Навоийдан айрилиб, Навоийнинг қадрдон дўсти Хусайн Бойқарога мурожаат қилади ва унинг умри ҳамда давлати боқий бўлишини тилайди.

### НАВОИЙНИНГ АМИРЛИҚ МАНСАБИГА ТАЙИНЛАНИШИ ҲАҚИДА

Юқорида таърихлар маълум тарихий шахсларнинг фаолиятини ёритишда хизмат қилади, дедик. Биз таърихларда, демак, фақат тарихий санани эмас, балки шу шахснинг характерини очиб берадиган айрим фикрларни ҳам топамиз ва ўша фикр орқали шу шахс ҳақида ижобий ёки салбий маълумот оламиз.

«Таърихи Роқимий» китобида Мавлоно Атоуллоҳ Розийнинг куйидаги таъриҳини ўқиймиз:

Мири фалак, жаноб Алишер к-аз шараф,  
Ожиз буд эн дарки камолоти ў хирад.  
Ба девон нишаст охири шаъбон ба доди адл,  
Ки лутфи шоҳи одил ва-л-ҳақ чунон сазад.  
Чун муҳр зад ба давлати иқболи рўзгор,  
Таърих шуд ҳамин, ки «Алишер муҳр зад»<sup>1</sup>.

Таржимаси:

Фалақнинг амири, жаноб Алишер шу даражада улуғки,  
Унинг камолотини тушунишга ақл ҳам ожизлик қилади.  
Адолат сўраш учун шаъбон оини охирида девонга ўтирди,  
Адолатини шоҳнинг лутфига ҳақиқатан бу иш лойиқдир.  
Замонанинг иқбол давлати саҳифасига муҳр урган эди,  
Таърихи ҳам «Мир Алишер муҳр зад» («Мир Алишер муҳр урди») сўзлари бўлди.

<sup>1</sup> Хондамир. Хулосат-ул-ахбор. ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 3, 462-бет.

<sup>1</sup> Роқим. Таърихи Роқимий. ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 4391, 81-бет.

Бу ерда «Мир Алишер муҳр зад» сўзларидан 876/1472 йил чиқади.

Бу таърихдан Алишер Навоийнинг амирлик мансабига ўтиришинигина эмас, балки фазилатларини ҳам билиб оламиз. «Унинг камолотини фаҳмлашга ақл ожизлик қилади», дейилади таърихда. Бу ҳақиқат бўлиб, Навоийнинг ижоддагина эмас, давлат арбоби ва ҳақиқий инсон сифатидаги кенг фаолияти ҳам таҳсинга сазовор ва ақлни ҳайратга солувчидир.

Навоийнинг иккинчи марта амирликни қабул қилгани ҳақидаги таърихда ҳам Навоийга берилган юксак баҳони кўрамиз. Бу таърих Хондамирнинг «Хулосат-ул-ахбор» китобида Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ қаламига мансублиги ҳақида ёзилган. Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ Навоийнинг яқин дўстларидан бўлиб, Султония ва Ихлосия мадрасаларида дарс айтган<sup>1</sup>. Таърих қуйидагича:

Ов Мир Низомуддин Алишер,  
Авсоф берун зи ҳадди тақрир.  
Чун кард қабул боз аморат,  
Таърих шудаш «аморати Мир».

#### Таржимаси:

Мақтовини баён қилиш мушкул бўлган,  
Амир Низомуддин Алишер,  
Амирликни қайта қабул қилгач,  
Таърихи ҳам «аморати Мир»  
(«Амирнинг амирлиги») жумласи бўлди.

Бу ерда «аморати Мир»дан 892/1487 йил чиқади. Демак, Навоий шу йили амирликни қайта қабул қилган. Бу таърихдан яна ўз даврининг етук олими Атоуллоҳ томонидан Навоийга берилган юксак баҳони ўқиймиз. «Авсоф берун зи ҳадди тақрир», яъни мақтовини баён қилишга тил ожиз бўлган, деб ёзади Атоуллоҳ. Бу ҳақ гап бўлиб, Навоий ҳақида асрлардан буён ёзилса-да, шу пайтгача мақтови тугамайди. Навоий фазилатларининг қирралари кундан-кунга очилиб бормоқда,

#### ҚУРИЛИШЛАР ҲАҚИДАГИ ТАЪРИХЛАР

Алишер Навоийнинг Ҳирот ва унинг атрофида кўплаб иншоотлар қурдиргани маълум. Бу қурилиш салобатидан таъсирланган шоирлар уларга атаб ҳар хил таърих ёзганлар ва Навоий номи-

<sup>1</sup> «Таърихи Роқимий»да унн Жалолуддин Атоуллоҳ деб кўрсатилган.

ни улуғлаганлар. Бу иншоотларнинг қурилиш йиллари ихчам таърихларда ўз ифодасини топган.

Шулардан бири Алишер Навоийнинг Ҳирот Жоме масжидининг қайта тиклаши ҳақидаги таърихлардир. Навоий бу масжидни тиклашда шахсан ўзи қатнашиб, усталарга ғишт олиб бериб турган. Бу масжиднинг узоқ тарихи Хондамирнинг «Хулосат-улаҳбор» китобида батафсил баён қилинган. Масжидда таъмир бошлангач, Навоийнинг тарбияси билан етук олим ва ҳозик табиб даражасига етган Дарвиш Али табиб унга қуйидаги таърихни айтади:

Таърихи имораташ агар меҳоҳи,  
Арқоми аносир аст, сифру афлок.

Таржимаси:

Иморатининг таърихини билишни хоҳласанг.  
Аносир, сифр ва фалак рақамларидир.

Аносир (унсурлар) тўртта бўлиб, ундан 4 рақами, сифрдан — 0, фалакдан эса 9 рақами назарда тутилган. Демак, таъмир этилиш йили 904/1498 йилга тўғри келади.

«Истихрож»да ёзилишича, Навоий Ҳиротда Жоме масжиди қурдирган. Бу масжидга атаб Мир Ҳусайн Муаммой қуйидаги таърихни айтади:

Шуд мукамал бинойи ин масжид,  
Лан тара фий асасиҳи нуқсо.  
Қардам аз дил савол таърихаш,  
Гуфт: «Соний Масжид-ул-Ақсо».

Таржимаси:

Бу масжиднинг биноси мукамал бўлди,  
Унинг асосида ҳеч қандай нуқсонни кўрмайсан.  
Унинг таърихини юракдан сўрасам,  
«Соний Масжид-ул-Ақсо» («Иккинчи  
Масжид-ул-Ақсо») деди.

«Соний Масжиди-ул-Ақсо»дан 900/1494 йил чиқади.

Кўриниб турибдики, Навоий асос солган бу бино ҳар қандай нуқсонлардан холи бўлиб, ҳатто Арабистондаги машҳур Масжид-ул-Ақсодан кейинги иккинчи даражада бўлган.

Навоий вафотидан сўнг Жоме масжидининг минбари мрамрдан ишланган экан. «Истихрож»да келтирилишича, бундай мрамр минбарни ҳаёт кўзи кўрмаган ва чарх қулоғи эшитмаган. Бу

минбарнинг ким томонидан ишлангани ва ўрнатилгани Хондамирнинг «Хулосат-ул-ахбор» китобида батафсил ёзилган. Минбар ўрнатилгач, унга Қози Ихтиёриддин қўйидаги таърихни айтиди:

Аз ҳиммати бузурге шуд минбар мукаммал,  
К-аз гояти тараффуъ бар арш сар кашида.  
Таърихи ин ҳумоюн минбар зи ақл жустам,  
«Минбар зи санги мармар» гуфто касе надида.

Таржимаси:

Бир улуғ зот ҳиммати билан бу минбар мукаммал бўлди,  
Баландликда боши арш сари чўзилди. 20  
Бу ажойиб минбар таъриhini ақлдан сўрасам,  
«Минбар зи санги мармар» («Мармардан бўлган  
бундай минбар»)ни ҳеч ким кўрмаган, деди.

«Минбар зи санги мармар» бу ерда таърих бўлиб, ундан мелодий 1503 йил чиқади.

А. Жувонмардиев «Ҳарфлар рақамларга айланганда» рисо-ласида: «Алишер Навоий Ҳиротдаги Малакон масжидига ҳижрий 909/1503 йили мармар тошдан минбар бино қилдирди», дейди. Ваҳоланки, Навоий 1501 йили оламдан ўтган эди. Битта минбарни тиклашга икки йил кетиши қийин. «Истихрож» китобида Амир Алишер вафотидан сўнг мармар минбар қўйилгани ҳақида ёзилади. Шунинг учун биринчи мисра «аз ҳиммати бузурге», яъни бир олийҳиммат зот томонидан, деб кўрсатилган ва унинг ким экани айтилмаган.

Алишер Навоий қурдирган мадрасага айтилган таърих ҳам сақланиб қолган. Мир Атоуллоҳ бу ерда дарс бошланишини қўйидаги таърихда шундай тушунтиради:

Чун мадраса сохт Мир бо илму адаб,  
Фармуд мурод ифодаи аҳли талаб.  
Чун дар шашшуми моҳи ражаб кард ижлос,  
Таърих талаб аз «шашшуми моҳи ражаб».

Таржимаси:

Илму адаб соҳиби Мир (Алишер) мадраса  
қурдириб,  
Дедики, мақсад талаб аҳлини ўқитишдир.  
Ражаб ойининг олтисида дарсга ўтириш  
бошланди,  
Таъриhini ҳам «шашшуми моҳи ражаб»  
(«Ражаб ойининг олтиси»)дан қидир.

«Шашшуми моҳи ражаб» бу ерда таърих моддаси бўлиб, ундан 891/1486 чиқади.

Султония ва Ихлосия мадрасаларида дарс берган етук олим Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ ўз таърихида Навоийга «илму одоб соҳиби» деб юқори баҳо беради.

## НАВОИЙ ВАФОТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАЪРИХЛАР

Биз замондошлари томонидан Навоийга берилган юксак баҳоларни унинг вафоти муносабати билан айтилган таърихларда ҳам кўришимиз мумкин.

Навоийнинг қачон, қаерда ва қайси касалликдан вафот этгани, табибларнинг чора-тадбирлари У. И. Қаримовнинг «Навоий ва сарой табиби»<sup>1</sup> номли мақоласида жуда муфассал баён қилиб берилган. Навоийнинг вафоти замондошларини катта қайғуга солган эди. Улар замонанинг буюк мутафаккири, етук олимидан айрилганларидан ташқари, ўзларининг дўсти, тарбияловчиси, моддий ва маънавий кўмакдошидан ҳам жудо бўлган эдилар. Навоийни ўзлари учун устоз ва раҳнамо деб билган баъзи шоирлар у ҳақда марсия-таърих айтадилар. Шулардан бири Хондамир эди.

Тўлиқ исми Ғиёсуддин ибн Ҳумомуддин Муҳаммад ибн Хожа Жалолуддин Муҳаммад ибн Хожа Бурҳонуддин (1475—1534) бўлган Хондамир ёшлигидан Навоий билан бирга бўлган ва Навоийнинг кутубхонасида хизмат қилиб, Навоийнинг топшириғи ва мадади билан «Хулосат-ул-ахбор», «Дастур-ул-вузаро», «Маъосир-ул-мулук», «Макорим-ул-ахлоқ», «Ҳабиб-ус-сияр» каби ўндан ортиқ асарлар ёзган эди.

Хондамир «Дастур-ул-вузаро» («Вазирларга қўлланма») китобида, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «Шоирлар ва фозиллар ул балогатли Амир (Навоий)нинг вафоти таърихини турли иборалар билан назм ипига тортдилар, яхши сифатли ул зотга атаб марсиялар, қасидалар ва қитъалар ёздилар. Уша умумхалқ мусибати таърихи хусусида ушбу сатрларнинг муаллифи хотирига мана бу қитъа келди»<sup>2</sup>— дейди ва сўнг ўзи ёзган қуйидаги қитъани келтиради:

Жаноби Амири ҳидоят паноҳий,  
Ки зоҳир аз ў гашт осори раҳмат.  
Шуд аз хору зори жаҳон сўйи боге,  
Ки онжо шигуфта аст гулзори раҳмат.

<sup>1</sup> Сирли олам. «Еш гвардия» нашриёти, 1985 йил, 11-бет.

<sup>2</sup> Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи тарих фанлари доктори Б. Аҳмедов. Тошкент, Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 150-бет.

Чу нозил шуд анвори раҳмат ба рӯдаш,  
Бижу солии фаваши зи «анвори раҳмат»<sup>1</sup>.

### Таржимасг-

Жаноби ҳидоят паноҳ Мирдав —  
Раҳмат асарлари зоҳир эди.  
Бу хору зорлик тӯла жаҳонда,  
Раҳмат гуллари очилиб турган боғ сари кет,  
Рӯҳига раҳмат нурлари ёғилгани учун  
Вафотининг йилини ҳам «анвори раҳмат»  
(«раҳмат нурлари») дан қидир.

Бу ерда «анвори раҳмат» таърих моддаси бўлиб, ундан Навоийнинг вафот йили чиқади. Таърихларнинг гувоҳлик беришича, айни шу қитъа Навоийнинг қабр тошига ёзиб қўйилган экан.

«Таърихи Роқимий»да Султон Иброҳим Амонийнинг қуйидаги қитъаси келтирилган:

Мирн динпарвар Алишер он, ки буд,  
Аҳли дониш, мулку миллатро паноҳ.  
Дар ҳидоят... ҳодийи худо,  
Дар вилоят волийи дийи илоҳ.  
Оқибат э-ин тангно омад ба танг,  
Шуд сўйи фирдавс бо сад иззу жоҳ.  
Дар хаёл жустанд аз таърихи ў,  
Гуфт ризвонаш: «Вилоят интибоҳ».

### Таржимаси:

Динпарвар Амир Алишер,  
Аҳли дониш, миллат ва мулкнинг паноҳи эди.  
Ҳидоят собида худонинг тўғри йўлга йўловчиси,  
Вилоятда эса худо динининг волийси эди.  
Оқибатда бу тангу тор дунёда танглик тортиб,  
Юз иззату шараф билан фирдавс жаннати томон йўл  
олди.  
Унинг таърихини хаёлдан қидирсалар,  
Ризвон: «Вилоят интибоҳ» деб айтди.

Бу ерда «Вилоят интибоҳ» («Валийлик эгаси») жумласи таърих моддаси бўлиб, ундан Навоийнинг вафот қилган йили чиқади.

<sup>1</sup> «Таърихи Роқимий»да бу қитъа Маҳмудшоҳ ибн Ховандшоҳники деб муаллиф исми нотўғри кўрсатилган. Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Хондамирнинг отаси бўлиб, 1498 йилда вафот этган.

Мазкур таърихда Амоний томонидан Навоийга берилган юксак баҳони қисқа сатрларда ғоят усталик билан берилганини кўрамиз. Унда Навоий илмининг ва миллатнинг суянчиғи сифатида тасвирланган бўлиб, бу айни ҳақиқат эканлиги Навоий ҳақида ёзилган кўпгина асарлардан маълумдир.

«Истихрож» китобида Навоий вафоти ҳақида ёзилган яна бир таърих бўлиб, афсуски у ким томонидан айтилгани номаълум. Бироқ у ким томонидан айтилган бўлмасин, Навоийни улуғлаш учун хизмат қилади. Бу таърихнинг сўнгги байтининг ўзбекча таржимаси А. Жувонмардиев томонидан «Ҳарфлар рақамларга айланганда» китобида ҳам келтирилган бўлиб, бу ерда ҳам унинг муаллифи кўрсатилмаган. Унинг тўлиқ форсчаси қуйидагича:

Мири хуршид сифат Мир Алишери шаҳир,  
Рахт ба баст чу зи-н зовияи пур меҳнат,  
Соли таърихи вай-у мавзили ў пурсидам,  
Омад овоз зи Фирдавс, ки: «Жаннат, жаннат».

Таржимаси:

Қуёш мисол машҳур Мир — Мир Алишер,  
Бу меҳнатга тўла гўшадан кўчди.  
Таърих йили ва турар жойини сўрасам,  
Фирдавсдан. «Жаннат, жаннат» деган овоз келди.

«Жаннат» сўзининг икки марта такрорланишидан Навоийнинг вафот йили ҳосил бўлади.

Бу ерда ҳам кўриб турибмизки, Навоий қуёшга ўхшатилаётир ва унинг қуёшдек оламга машҳурлиги таъкидланмоқда.

«Таърихи Роқимий»да бир байтдан иборат таърих бўлиб, унинг муаллифи кўрсатилмаган, аммо маъно жиҳатидан жуда чиройлидир.

Буд Кайхусрав дар иқлими сухан,  
Гашт аз он таърихи ў «Кайхусравий».

Таржимаси:

Сўз иқлимида у Кайхусрав каби эди,  
Шу сабабли унинг таърихи «Кайхусравий» бўлди.

Демак, «Кайхусравий» сўзи таърих моддасидир.

Биз Навоийни одатда «сўз мулкининг султони» деб атаيمиз, таърих муаллифи ҳам Навоийга юксак баҳо бериб, уни «сўз иқлимнинг Кайхусрави» сифатида талқин этган.

## НАВОИЙНИНГ ҮЗИ ЕЗГАН ТАЪРИХЛАР

### КИШИЛАР ҲАҚИДА

Бошқа кўпгина фанлар Алишер Навоийнинг назаридан четда қолмагани каби, таърих айтиш соҳасида ҳам у ўз қаламини си-наб кўрган эди. Навоий бу соҳада ҳам катта муваффақият эгаси дейиш мумкин. Чунки абжад ҳисобида таърих айтиш учун аввало математикани, яъни ҳисоб-китобни яхши билиш ва сўзларни маъно жиҳатидан бир-бирига мослаш керак. Бунинг учун қўлга қалам олиб, қоғоз устида узоқ бош қотириш керак. Бироқ Навоий қоғоз-қаламсиз, хаёлан, бир онда ҳисоблаш ва таърих айта олиш қобилиятига эга эди. Буни биз «Хамсат-ул-мутаҳаййирин» китобида Навоийнинг ўз тилидан ёзилган ҳикоядан кўришимиз мумкин.

Навоий ҳикоя қилишича, Абдурахмон Жомийнинг Сафиуддин Муҳаммад исмли ўғли вафот этади. Навоий таъзия учун отланади. Йўлда унга Шайхим Суҳайлий ва бошқалар қўшилади. Уйга кириб ўтирилганда Навоий изтиробдан ҳамда уйда одамларнинг кўплиги туфайли ноқулай аҳволга тушиб, таъзия айтиш фурсати-ни қўлдан беради. Бошқалар эса Навоий гапирди деб жим ўтиришаверади. «Бир ламҳа (лаҳза) ўтгандин сўнг,— деб ёзади Навоий,— худ сўз айтувнинг вақти ўтди. Бу фақир ғоят ҳижолатзада бўлуб, таърихга муносиб алфоз (сўз) хаёлига туштим. Итти-фоқи ҳасана (хайрли тасодиф)дин «бақои ҳаёти шумо бод» ал-фозин (сўзларин) аввал қатлаким, ҳисоб қилдим, рост келди. Эҳтиёт учун яна бир қатла ҳисоб қилинди. Шубҳа рафъ бўлгон-дин сўнгра давот ва қалам тилаб, бу алфозни битиб, рақамни устига сабт қилиб, аларга эътироз юзидин тута бердим. Алар таҳсинлар қилиб дедиларким: «Бу таърихни биз назм силкига тортали».

Навоий топган таърихни Жомий қуйидагича назм қилади:

Гули бўстони латофат Сафи,  
Чу шуд сўйи: жаннат зи боғи фано.



Азизе пайи пурси таърих гуфт,  
Ки «бодо бақон ҳаёти шумо»<sup>1</sup>.

Таржимаси:

Латофат бӯстонининг гули Сафи,  
Фано богидан жаннат томон кетганда,  
Бир улуг киши ҳол сӯраш маъносида,  
«Бодо бақон ҳаёти шумо» («Ҳаётингиз боқий  
бўлсин!») деди.

Юқоридаги форсча жумладан 880 ҳижрий (1475 милодий)  
йил чиқади.

Навоний айтган таърихлардан яна бири Паҳлавон Муҳаммад  
ҳақидаги таърихдир. Маълумки, Паҳлавон Муҳаммад Навоний  
ёқтирган зотлардан бири эди. Навоний Паҳлавон Муҳаммадга  
атаб «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» («Паҳлавон Муҳаммаднинг  
аҳволи») деган алоҳида рисола ҳам ёзган эди. Паҳлавон Муҳам-  
мад вафот қилганда Навсий қуйидаги таърихни битади:

Муҳаммад Паҳлавони ҳафт кишвар,  
Ки дар даҳраш набуд ақрону амсол.  
Сару сарҳалқан аҳли тариқат,  
Ки рафт аз қайди гети фориғул-бол.  
Зи баъди қутби олам орифи Жом,  
Ки рафт аз қайди гети фориғул-бол.  
Пас аз соли суйи жаннат хиромид,  
Аз ин дерина дайри мухталиф ҳол.  
Агар пурсад касе таърихи фавташ,  
Бигуям «баъди Махдумий ба як сол».

Таржимаси:

Ухшаши ва тенги бўлмаган,  
Етти иқлимнинг Муҳаммад Паҳлавони,  
Тариқат аҳлларининг пешвоси ва боши бўлиб,  
Олам қайдидан хотиржам ҳолда кетди.  
Бутун оламнинг махдуми бўлган,  
Жомнинг орифи ва қутбидан  
Бир йил кейин бу ўзгариб турувчи  
кўҳна дунёдан,  
Жаннат сари равона бўлди.  
Кимки унинг вафоти таърихнини сўраса,  
Уйда: «Махдумдан бир йил кейин» деб  
айтаман.

<sup>1</sup> Алияшер Навоний. Ун беш томлик. 14-том. Ғ. Ғулом номидаг. Ада-  
биёт ва санъат нашриёти, Тошкент—1967, 24-бет.

Демак, Муҳаммад Паҳлавон Жомийдан бир йил кейин, яъни 899/1493 йилда вафот этган.

Навоийнинг дўсти, устози ва маслакдоши Абдурахмон Жомий вафот этганда Навоий қаттиқ қайғурган, унга атаб кўпгина марсиялар ёзган эди. «Хамсат-ул-мутаҳаййирин» китобини эса бошдан-оёқ Жомийга бағишлаган. Бундан ташқари у қуйидаги таърихни иншо қилади:

Гавҳари кони муҳаббат, дурри баҳри маърифат,  
К-ў ба ҳақ восил шуду дар дил набудаш мосуво.  
Кошифи сирри илоҳ буду бешак з-он сабаб,  
Гашт таърихи вафоташ «кашфи асрори илоҳ».

#### Таржимаси:

Муҳаббат конининг гавҳари, маърифат  
денгизининг дурри,  
Ҳаққа етишган бўлиб, дилида (Ҳақдан)  
ўзга ҳеч нарса йўқ эди.  
У илоҳий сирларни билувчи эди, шу  
сабабдан ҳам —  
Вафотининг таърихи «Қашфи асрори илоҳ»  
(«Илоҳий сирларни билувчи») бўлди.

Навоий ёзган таърихлардан бири Саййид Ҳасан Ардашернинг вафотига бағишланган бўлиб, Навоий бу зот ҳақида ҳам «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» («Саййид Ҳасан Ардашер аҳволи ҳақида») деган рисола ёзган ва бу рисолада унинг барча ишлари, касбу камолотини батафсил баён қилган эди. Унинг вафоти-га бағишланган таърих қуйидагича:

Сархайли фано Саййид Ҳасан рафт,  
Ки жойи ў биҳишти жовидон бод.  
Пайи он покрав жустанд таърих,  
Бигуфтам: «Жаннати покаш макон бод».

#### Таржимаси:

Фано аҳлнинг пешвоси Саййид Ҳасан  
(оламдан) кетди,  
Унинг жойи боқий жаннат бўлсин. 18  
Бу покиза зот вафотига таърих қидирдилар,  
Мен: «Жаннати покаш макон бод» («Покиза  
жаннат жойи бўлсин») дедим.

«Жаннати покаш макон бод» жумласидан ҳижрий 894 (милодий 1488/89) йил чиқади.

Яна шундай таърихлардан бири Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорга бағишланган таърихдир.

Тарихдан маълумки, самарқандлик машҳур шайх ва диний арбоб Хўжа Аҳрор Жомий, Навоий ва Хусайн Бойқаро билан тинимсиз ёзишиб турган. Навоий вазирликдан кетмоқчи бўлганда у Жомийга ҳамда шахсан Навоийга хат ёзиб, мансабдан кетмасликни, мансаб мусулмонларнинг тинч ва осойишта яшашига сабаб бўладиган бир восита эканини таъкидлаган эди. Навоий ҳам Хўжа Аҳрор билан тинимсиз ёзишиб турган<sup>1</sup>. Навоий Хўжа Аҳрор бошлиқ самарқандлик шайхлардан ҳамда устози Жомийдан келган хатларни тўплаб алоҳида китоб ҳам қилган. Бу китоб «Мурраққаи Навоий» ёки «Навоий альбоми» деб аталади. Бу китоб Уз ССЖ ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.<sup>2</sup>

Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор вафот этганда Мовароуннаҳр ва Хурсоннинг олим ва шоирлари унга атаб кўплаб таърих айтганлар. Шундай таърихлардан бири Навоий қаламига мансуб бўлиб, у қуйидагичадир:

Хожан хожаян Убайдуллоҳ,  
Муршиди соликони роҳи яқин.  
Шуд ба хулди барину эн фавташ,  
Соли таърих гашт «хулди барин».

Таржимаси:

Худо йўлидаги соликларнинг пири,  
Хожалар хожаси Убайдуллоҳ,  
Боқий жаннатга кетди-ю, вафотининг —  
Таърихи ҳам: «Хулди барин» («Боқий  
жаннат») бўлди.

«Хулди барин» сўзларидан 895/1490 йил чиқади.

Қози Низомуддин Муҳаммад кўп йил қозилик қилиб, охири ўз мансабидан кечади. У ҳам Навоий ҳурматини қозонган зотлардан бири эди. Навоий унинг вафотига бағишлаб қуйидаги таърихни айтган:

Ба Мавлоно Низомуддин қози,  
Фалак чун аз кажи тиги жафо ронд.  
Эн бас к-ў буд дар амри қазо рост,  
Ба жойи ростанаш чарх биншонд.  
Эн баҳри фавти ў таърих жустам,  
Хирад гуфто: «Қазо аз рости бимонд»

<sup>1</sup> Қаранг: А. Урибоев, М. Ҳасанов. Навоий замондошлари хатларида. Тошкент, «Фан», 1990.

<sup>2</sup> Бу китоб ҳақида қаранг. Письма-автографы Джами из «Альбома Навои». Введение, перевод, примечания и указатели А. Урибаева. Ташкент, «Фан», 1982.

Мазмуни:

Мавлоно Нзомуддин қозига, 17  
Фалак эгрилик қилиб, жафо тигини торгди.  
У қозилик ишида тўғри одам эди,  
Тўғриларнинг жойига чарх уни ўтқизган эди.  
Унинг вафоти учун таърих қидирсам,  
Ақл: «Қазо аз рости бимонд» («Қозилик  
тўғридан қолди») деди.

Бу ерда таърих «қазо аз рости бимонд» («Қозилик тўғридан қолди») сўзларида яширин бўлиб, «қазо»нинг ўзини қолдиришга ишора бор. «Қазо»дан 901/1495 йил чиқади.<sup>1</sup>

Хондамир «Хулосат-ул-ахбор» китобида ёзишича, у Навоийнинг юқоридаги таърихини ўқигач, унга жавоб айтиш истаги тутилган ва қуйидаги рубоий-таърихни ёзган:

Он кас, ки шарифат ба низом аз вай шуд,  
Аз ҳукми худо сижилли умраш тай шуд.  
Боқий чу намонд дар жаҳон номи қазо,  
Маълуми умам гашт, ки фоний кай шуд?

Мазмуни:

Шарифат у билан тартибда бўлган зотнинг,  
Умри худо ҳукми билан охирига етди.  
Жаҳонда қазо (қозилик) номи ўчган бўлса-да,  
Бироқ халққа унинг ўчмагани маълум бўлди<sup>2</sup>

Бизнингча, бу ерда ҳам таърих «Қазо» сўзида бўлиб, қазо сўзининг ўчмагани дейилиши шунга ишорадир.

Таърих айтишдаги моҳирлик шундан иборатки, шоир вафот этган кишининг хислатларини қисқа жумлада аниқ ифодалай олиши, айти пайтда, бу жумла вафотининг йилини билдириши лозим. Навоий Жомий ва Хўжа Аҳрор вафотини ана шу тарзда моҳирона ифодалай олгани таърихлардан кўриниб турибди.

### НАВОИЙ ЎЗИНИНГ БАЪЗИ ҚАСИДА ВА КИТОБЛАРИГА АЙТГАН ТАЪРИХЛАРИ

Навоий баъзи қасида ҳамда китобларига ҳам таърихлар айтган. Шулардан бири «Тухфат-ул-афкор» («Фикрлар туҳфаси») қасидасидир. Бу қасиданинг ёзилиши ва таърихи Навоий «Хамсат-ул-мутаҳаййирин» китобида қуйидагича ҳикоя қилинади.

<sup>1</sup> Қози аслида 900/1494 йилда ўлган. Бироқ таърих айтишда бир йил ортқ ёки бир йил кам бўлиши айб ҳисобланмайди.

<sup>2</sup> Хулосат-ул-ахбор. 447а-бет.

Навойнинг ёзишича, бир кун у Жомий ҳузурида Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Дарён аброр» («Яхши кишиларнинг (фикр) дарёси») қасидасини кўп мақтайди Икки-уч кундан сўнг у яна Жомий билан учрашиб, подшо билан Марвга кетаётганини айтиб, ижозат сўрайди. Жомий унга бир жуз қоғоз беради. Унда Амир Хусравнинг «Дарён аброр»ига «Лужжат-ул-асрор» («Сирлар теранлиги») номи билан ёзилган жавоб қасидаси эди. Навоий эса то Марвга боргунча «Тухфат-ул-афкор» қасидасини жавоб тариқасида ёзиб тугатади. Охири байтга эса қасиданинг ёзилиш таъриhini жойлаштиради. У қуйидагича:

Буд явми жомий, шаҳри ражаб таърихи он,  
Турфатар к-ни рўзу моҳ итмоми онро мазҳар аст.

Таржимаси:

Ражаб ойининг жума кун унинг таърихи бўлиб,  
Қизиги шуки, ой-у кундан унинг тугаши аён бўлади.

«Бу таърихда ғаробат (ажойиблик) борким,— деб ёзади Навоий,— таърихнинг ой ва кунининг зикридин йили ҳисоби жуммал қондаси (абжад) била ҳосил бўлур»<sup>1</sup>.

«Явми жомий шаҳри ражаб»дан 880 ҳижрий (1475 милодий) йил чиқади.

Навоий ўзининг «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарининг тугашига бағишлаб сариҳ (ойу кун ва йили ошкоро айтиладиган) таърих ёзган эди. У қуйидагича:

Бу номаки, ёзди қаламим, эй оқил,  
Тарихи хуттомидир тўққуз юзу беш йил.  
Чоршанба кун шаҳри жумоду-л-аввал,  
Ҳақ лутфи ила бўлди фароғат ҳосил.

Мана бу таърих ҳам сариҳ таърихга мисолдир:

Бу номаки, ёзди қаламим тортиб тил,  
Таърихин онинг жумоду-л-аввал бил.  
Кунининг рақами чоршанба қилғил,  
Тўққиз юз йилдан ўтуб эрди беш йил.

Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб» асарига ҳам таърих ёзиб, уни «хуш» деган сўздан топади. Мана, у:

Бу номаким, лисоним ўлди қоним,  
Килким тили ҳар нав эл ишига мойил.

<sup>1</sup> Навоий. Хамсат-ул-мутаҳаййирин, 30-бет.

Таърихи «хуш» лафзидин деди ҳосил,  
Ҳар ким ўқуса, илоҳи, бўлғай хушдил.

Бу ерда «хуш» сўзидан 906-ҳижрий (милодий 1500) йил чиқади. Қизиғи шундаки, шу йилда Ҳиротда яшаган Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуфу-т-табибул-л-Ҳаравий ҳам ўз рисоласи «Рисола дар тадбири маъкул ва машруб» (Ейиладиган ва ичиладиган нарсалар ҳақида рисола)сини тугатганда таърихини «хуш» сўзидан толган эди.

А. Жувонмарднунинг ёзишича, Навоийнинг юқоридаги таърихи Жомийга манзур бўлиб, қуйидаги таърихни айтган экан:

Даҳр элида йўқтур Фонийдек дарёдил,  
Бу нуқта онинг лисонидин ҳосил.  
Таърихи китобатини гар этар Жомий,  
Фоний дебдур таърихини «хуш», билгил<sup>1</sup>

«Лисон-ут-тайр» хотимасида Навоий қуйидаги сариҳ таърихни қўллаган эди:

Менки, хилват ичра йўндим хомани,  
Нақш айтарга бу дилкаш номани.  
Анбиё сархайли Батҳо соридин,  
Айлаган Ясрибқа майл изҳоридин.  
Йил тўққиз юз ўтмиш эрди доғи тўрт,  
Ким улуснинг кўнглига солди бу ўрт.  
Ҳам бу таърих ичракам қилдим шуруъ,  
Ихтитомига доғи бўлди вуқуъ.

Бу ерда 904/1498 йил сариҳ таърих ҳисобланади.

#### ХОТИМА

Ҳар йили 9 февралда Ўзбекистонда Навоийнинг таваллудига бағишланган анъанавий илмий анжуман ўтказилади. Бу анжуманда мамлакатимиздан кўплаб олимлар қатнашадилар ва ўзларининг қизиқарли маърузалари билан қатнашиб, Навоий ҳаёти ва ижодининг очилмаган қирраларини намоён қиладилар. Бу маърузалар матбуот саҳифаларида ёритилади. Олимларимиз эса Навоий ижодининг маълум соҳаларига бағишланган рисола ва китоблар чоп этадилар. Шарқшунос олимлар томонидан кейинги йилларда бир қанча китоблар чоп этилди. Булар қаторига Навоий замондошлари хотираларида» (Тузувчи Б. Аҳмедов, 1985 й.) китобини кўрсатиш мумкин. Бу китобда тарихчи ва тазкирачи олимларининг Навоий ҳақидаги фикрлари жамланган. «Навоий за-

<sup>1</sup> А. Жувонмардиев. Ҳарф ва рақам. Тошкент, «Фан», 1971, 12 бст.

мондошлари хатларида» (А. Уринбоев, М. Ҳасанов, 1990 й.) китобида эса Навоий билан ёзишиб турган самарқандлик ҳамда ҳиротлик дин ва давлат арбобларининг Навоийга берган баҳолари ва алоқалари баён этилди.

Навоийнинг табобат фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, Ҳиротда Дорушшифо (даволаш уйи) очганлиги, йирик табибларнинг етишиб чиқиши учун берган кўмагини баён қилувчи «Навоий даври табобати» (М. Ҳасаний, С. Қаримова, 1991) китоби юзага келди. «Асрлардан келган мактублар» (А. Уринбоев, М. Ҳасаний) китобида эса Абдураҳмон Жомийнинг Навоийга юборган мактублари, уларнинг мазмуни, Жомий ва Навоий ўртасидаги ижодий ва дўстона алоқалар ўз ифодасини топган эди<sup>1</sup>.

Юқоридаги китоблар силсиласига мансуб бўлган «Таърихларда Навоий васфи» рисоласи билан эса бугун танишиб чиқдингиз. Навоийнинг ибратли ҳаёт йўли, серқирра ижодини ўрганишда, замондошларининг унга берган баҳолари ва муносабатларини аниқлашда таърихлар ҳам катта аҳамиятга молик эканига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Бироқ биз бу ерда таърихларнинг ҳаммасини йиғдик ва ўрганиб чиқдик, дейишга даъвогар эмасмиз. Ҳали кўпгина тарихий ва таъкира китобларини кўриш ва уларга суянган ҳолда кенгроқ хулосалар чиқариш олдинда турган вазифалардан биридир.

1991 йил сентябрь ойида бутун дунё жамоатчилиги тантана қиладиган Алишер Навоий тўйи ҳам яқинлашиб келмоқда. Мазкур рисола ана шу улуг тўйга кичик бир армуғон бўлади, деган умиддамиз. Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг қўли теккан, Абдужамил котиб томонидан кўчирилган Навоий «Хамса»сининг фотонусхаси ҳам Шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланмоқдаки, бу ҳам улуг тўйга муносиб совға бўлиши шубҳасиздир.

---

<sup>1</sup> Бу китоб Жомий юбилейига (1989) атаб ёзилган бўлиб, айрим сабабларга кўра босилмай қолган эди. Уни кейинги йилда чоп этиш кўзда тутилмоқда.

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Буюк даҳо тўйи . . . . .  | 3  |
| Кобул симпозиуми ҳақидаги ҳисобот . . . . .                           | 4  |
| Таърих — воқеалар ойнаси . . . . .                                    | 8  |
| Таваллудга онд таърихлар . . . . .                                    | 11 |
| Навойнинг амирлик мансабига тайинланиши ҳақида . . . . .              | 17 |
| Қурилишлар ҳақидаги таърихлар . . . . .                               | 18 |
| Навой вафотига бағишланган таърихлар . . . . .                        | 21 |
| Навойнинг ўзи ёзган таърихлар. Кишилар ҳақида . . . . .               | 24 |
| Навой ўзининг баъзи қасида ва китобларига айтган таърихлари . . . . . | 28 |
| Хотима . . . . .  | 30 |

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси

Литературно-художественное издание

Маҳмуд Хасани

СВИДЕТЕЛЬСТВУЮТ СТРОКИ О НАВОИ

Художник *А. Ахмаджонов*

Ташкент, Издательско-полиграфическое объединение им. Г. Гуляма

*На узбекском языке*

Адабий-бадвий нашр

Маҳмуд Ҳасаний

ТАЪРИХЛАРДА НАВОИИ ВАСФИ

Муҳаррир *Ж. Сувоиқулов*

Расмлар муҳаррири *В. Немировский*

Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаҳҳих *С. Тоҳирова*

ИБ № 4988

Босмаҳонага 31.07.91. да берилди. Босишга 6.09. 91. да рухсат этилди. Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>, нав. Рўзнома қоғози, адабий гарнитурга. Юқори босма Шартли босма тобоқ 1,98 Бўёқ босма тобоқ 2.22. Нашр босма тобоғи 2,25. Жами 20000 нусха № 1132 буюртма. Баҳоси 2с.50т. № 44—91 рақамли шартнома

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 700129, Ташкент. Навоий кўчаси, 30. Ўзбекистон жумҳурияти Матбуот давлат комитетининг Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмасининг 1-босмаҳонаси, Ташкент, 700002, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.